

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 54 (54), 2020 йил 8 апрель, чоршанба



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АБУ ДАБИ ВАЛИАҲДИ, БАА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ОЛИЙ БОШ ҚЎМОНДОНИ ҲАМДА ҲАМКОРЛИКНИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ, ИНВЕСТИЦИЯ, БАНК-МОЛИЯ, ЁҚИЛГИ-ЭНЕРГЕТИКА, ТРАНСПОРТ-КОММУНИКАЦИЯ ВА БОШҚА УСУВОР СОҲАЛАРДА ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 апрель куни Абу Даби Амирлиги валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Қуроли кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбатда Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги кўп қиррали муносабатларга доир долзарб масалалар, шунингдек, амалий ҳамкорликни савдо-иқтисодий, инвестиция, банк-молия, ёқилги-энергетика, транспорт-коммуникация ва бошқа усувор соҳаларда янада кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Коронавирус инфекциясининг тарқалишига йўл қўймай ва ушбу глобал хатарга қарши самарали курашиш борасида мамлакатларимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни мисли кўрилмаган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари пандемия оқибатларини енгиб ўтишда кўрсатилаётган кўмак учун Бирлашган Араб Амирликлари раҳбариятига миннатдорлик билдирди.

Коронавирус тарқалишининг икки томонлама ҳамкорлик суръатига, шу жумладан, бугунги кунда БААнинг етакчи компания ва банклари иштирокида саноат, инфратузилма, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда амалга оширилаётган ислоҳотларни лойиҳаларга салбий таъсирини камайтириш мақсадида ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштириш лозимлиги давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Турли даражаларда биргаликдаги саъй-ҳаракатларни фаол мувофиқлаштириш лозимлиги қайд этилди.

Томонлар, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашди.

ЎЗА

Шарҳ

МОЛИЯВИЙ БАҲАРИЙ БАҲАРИЙ АҲОЛИ ТАЛАБИНИ ТЎЛИҚ ҚОНДИРАДИ, СОҒЛОМ РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРАДИ



Музаффар АБДУЛЛАЕВ олинган сурат.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Аввало, ушбу рақамларга эътибор қаратсак. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2020 йил январь-февраль ойларида мамлакатимизда автобензин ишлаб чиқариш ҳажми 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 25,5 фоиз — 151,6 минг тоннадан 190,3 минг тоннагача ошган. Талаб эса, аксинча, таклифга нисбатан паст суръатда ўсмоқда.

Жорий йил 3 апрелдан "Ўзбекнефтегаз" АЖнинг ёқилги қуйиш шохобчалари дизель ёқилгисини 300 сўм арзонлаштирилган ҳолда сотувга чиқарди. Унинг нархи бир ой ичда 500 сўм пасайди. Бундан бироз олдин АИ-92 маркали бензин 200 сўм арзонлашди. Шу тариқа дизель ёқилгисининг нархи хорижий компаниялар томонидан

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТИББИЙ-САНИТАРИЯ СОҲАСИДА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУТЛАҚО ЯНГИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тиббий-санитария ходимларини касбий ривожлантириш тизимини яхшилаш, соҳада етуқ ва чуқур билимга эга кадрларни замонавий таълим стандартлари асосида тайёрлаш, тиббиёт ташкилотлари, айниқса, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини профессионал мутахассислар билан таъминлаш, тиббиёт таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мавқеини ошириш, шунингдек, 2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб 1-иловага мувофиқ 47 та тиббиёт коллежини Абу Али ибн Сино номидagi Жамоат саломатлиги техникумлари этиб қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Абу Али ибн Сино номидagi Жамоат саломатлиги техникумлари фаолиятини самарали ташкил қилиш бўйича қуйдагиларни назарда тутувчи Комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда унинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминласин:

Абу Али ибн Сино номидagi Жамоат саломатлиги техникумларининг моддий-техник базасини янада кучайтириш, амалиёт хоналарини белгиланган нормативларга асосан жиҳозлаш, ўқув-симуляцион аудиторияларни ташкил этиш;

валеология, тиббий психология, нутрициология, диетология, фармакология, кинезиология, реабилитология, профпатология фанларининг чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилишини жорий этиш ҳамда мазкур техникумларнинг ўқув режалари ва фан дастурларини илғор хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқиш;

тиббиёт олий таълим муассасаларининг юқори малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Абу Али ибн Сино номидagi Жамоат саломатлиги техникумларида масофавий таълим орқали дарс машғулотларини ўтказиш.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, Абу Али ибн Сино номидagi Жамоат саломатлиги техникумларини:

муваффақиятли тамомлаш битурувчилар ўз соҳасига мос тиббиёт олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз яқна тартибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларида 2-курсдан ўқишини давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади;

жорий қақлаш, фаолият юритиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрлаш харажатлари Вазирлиқнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ўқувчиларни давлат бююртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

3. Белгилансинки, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

а) тиббиёт олий таълим муассасаларининг давлолаш (амалиёт) ишлари проректорлари (директор ўринбосарлари) бир вақтнинг ўзида ушбу олий таълим муассаса клиникаларининг бош шифокорлари ҳисобланади;

б) тиббиёт олий таълим муассасаларида: бакалаврият таълим йўналишлари, магистратура ва клиник ординатура (резидентура) мутахассисликлари ўқув режаларидаги мутахассисликка оид бўлмаган фанлар улуши 2 баробарга қисқартирилади;

клиник ординатурага (резидентурага) мақсадли қабул қилинган талабаларнинг битирув курсини вилоят даражасидаги тиббиёт муассасаларида ташкил этиш тизими йўлга қўйилади;

в) худудларнинг шифокорларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тиббиёт олий таълим муассасалари бакалавриятнинг "Даволаш иши", "Педиатрия иши" ва "Касбий таълим (давлолаш иши)" таълим йўналишлари бўйича давлат гранти асосида ўқишга қабул кўрсаткичлари доирасидаги мақсадли қабул параметрлари туман (шаҳар)лар кесимида шакллантирилади;

г) тиббиёт олий таълим муассасалари "Даволаш иши", "Педиатрия иши" ва "Касбий таълим (давлолаш иши)" йўналишлари битирувчилари яшаш бўйича рўйхатга олинган жойидан қатъи назар, давлат гранти асосида мақсадли қабул параметрларида кўрсатилган туман (шаҳар)да камида 5 йил ишлаб чиқариш мажбурияти киритилди.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда мазкур банднинг "в" ва "г" кичик бандларида кўрсатилган тақлифларни амалга ошириш механизмларини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Вазирлик Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилида тиббиёт олий таълим муассасаларида ўқишга қабул қилишнинг давлат бююртмаси параметрларини шакллантиришда тиббиёт кадрларига эҳтиёж юқори бўлган худудлар учун бакалаврият ва магистратурага давлат гранти асосида ўқишга мақсадли қабул параметрларини 50 фоизгача оширишни инобатга олсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

а) таълим босқичидан қатъи назар, 2-иловага мувофиқ чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги давлат сертификатга эга бўлган тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларига (мутахассислик фанларини "қоникарли" баҳога ўзлаштириётган талабалардан ташқари) Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар ойлик стипендияга базавий стипендия ҳисобидан қўшимча тўлов амалга оширилади;

Давоми 2-бетда

Муносабат

ҲАЁТ ФИДОЙИ ИНСОНЛАР ҚАЛБИ УСТИДА ҚУРИЛАДИ

Бугун ҳар бир инсон миллат, Ватан тақдирига масъул

Саъдулла ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси



Бутун дунёни коронавирус балоси ларзага солган, не-не қудратли давлатларни ҳам шошириб қўйган бугунги таҳликали кунларда ҳар қандай инсон беихтиёр ҳаёт маъносини, умр мазмуни ҳақида, ўзининг жамият, эл-юрт олдидаги масъулияти борасида чуқур ўйга толади: бир поёни йўқ деб ўйлаган дунё, не ажабки, каталак ҳовлидай тор экан.

Пандемиянинг мамлакатимизга кириб келиши бутун элимизга катта синов бўлди. Энг муҳими, ўз вақтида чоралар қўрилмоқда. Президентини ярим ой ичда халқимизга уч марта мурожаат қилди. Пандемиянинг олдини олиш ва унга

қарши кураш бўйича стратегик режа қабул қилинди. Худудларнинг хусусиятлари ҳисобга олиниб, пандемияга қарши курашнинг самарали тизими яратилди. Умумий мақсад аниқланди — қатъият билан коронавирус тарқалишининг олдини олиш. Бунинг аҳамияти шундаки, бутун мамлакат пандемияга қарши курашда ягона режага қатъий амал қилиши зарур. Ушбу йўналишдаги асосий жиҳатлар инфекция манбасини назорат қилиш ва унинг тарқалиш йўллари епишидир. Бош мақсад — эпидемиологик вазиятни жиловлаш, аҳоли саломатлигини ҳар томонлама ҳимоя қилиш. Дунёнинг бирор мамлакатиде бундай кенг қўламли тадбирлар қабул қилинганини ҳали эшитганимиз йўқ.

ИЛМГА ТАШНАЛИК БИЗГА БОБОЛДАН МЕРОС

Энахон СИДДИҚОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Бугун бутун дунё гоят мураккаб, таҳликали кунларни бошидан кечирмоқда. Коронавирус аталмиш муҳдиш бало жаҳоннинг энг қудратли мамлакатларини ҳам зир титратиб, исканжасига олиб турибди. Ана шундай имтиҳонли, синовли кунларда бу офатга қарши курашиш учун давлатимиз раҳбари бошчилигида салмоқли ишлар амалга ошириляпти. Буларнинг барчаси юртдошларимизнинг саломатлиги, тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Охириги ўн беш кун ичда Президентимизнинг коронавирус пандемиясини жиловлаш, унинг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган иккита қарори қабул қилинди. 3 апрель куни ўтказилган видеоселектордаги

мурожаатини кўриб, давлатимиз раҳбарининг халқимизга меҳр-муҳаббати нечоғлиқ юксак эканини, Ватанимизни ҳимоя қилишга фидойилик билан киришганини юракдан ҳис этдим.



Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир инсон тақдирини ҳақида қайғуриб айтган оташин сўзлари барчамизнинг юрагимизга олов солмоқда: "Ишонтириб айтаманки, коронавирус тарқаб кетмаслиги учун давлат барча чораларни кўради. Аммо шу синови давларда ҳар бир ўзбекистонлик, ҳар бир идора, жамоатчилик вакиллари бир мушт бўлиб ҳаракат қилишимиз керак. Касалликни маҳалламизга, уйимизга, оиламизга олиб кирмаслик учун, энг аввало, ўзимиз масъулмиз".

Аспида ҳам шундай. Интизомли инсон ҳаётда ҳамма кўп нарсаларга эришади. Интизомли миллат эса буюк мақсадларга қодир. Биз ҳаммаша улўф мақсадлар, эзу ниятлар билан яшаган ва бунга эришган халқимиз. Бугун ҳар бир инсон зиммасига нафақат ўзини, балки бутун миллатни асраш масъулияти тушмоқда. Бу синови кунларда кўринмас душманга қарши курашаётган шифокорларимиз, Миллий гвардия ва ички ишлар ходимларининг қонуний талабларини бажариш ҳар биримиз учун ўзимиз, оиламиз, яқинларимиз саломатлиги йўлида қилинган энг яхши ишимиз ва инсонийлик бурчимиздир.

Айрим юртдошларимизнинг сабрсизлиги, карантин қоидаларини бузаётгани кўнгилни хира қилади, албатта. Жумладан, мамлакат бўйлаб 22 мингдан ортиқ ҳолатда карантин қоидалари бузилгани, 330 киши карантин ҳудудини ташлаб кетгани, айрим масъулиятсиз шахслар 24 та турли оммавий маросим ўтказгани кишини таажжубга солади.

Давоми 2-бетда

Президентимиз мурожаатидаги муҳим жиҳатлардан бири — шундай мураккаб шароитда ҳам юртимизда улғаяётган ўғил-қизларнинг таълим-тарбияси, жисмоний ва маънавий камолотига катта эътибор қаратилаётгани, уларнинг келажagini йўлаб, вақтни бесамар кетказмай, китоб ўқиш, билимларни оширишга давлат этилаётгани эртанги кунга юксак ишончдан далолатдир.

"Бешиқдан қабргача илм изла" деган мақол маърифатпарвар халқимизнинг руҳига, турмуш тарзига сингиб кетган. Бобо-момоларимиз мактабга бориш имконисиз бўлган қор-қировли кунларда ҳам сандал атрофига бола-бақрани йиғиб, фонус ёруғида уларга китоб ўқиш берган. Эзгуликка ундовчи ибратомуз ривоят ва ҳикоялар айтиб, кўнгилларига яхшилик уруғини қадаган. Бугун мана шу бобомерос қадрият замонавий илм-фан тараққиёти тўғрисида телекўрсаткич ва интернет ресурслардаги онлайн ўқитиш тизимига кўчди.

Айни пайтда таълим муассасалари вақтинча фаолиятини тўхтатган бўлса-да, билим бериш жараёни асло сусайгани йўқ.

Илғор, ташаббускор педагоглар қатор телеканаллар орқали эртанинг эгаларини илмининг зиёсидан баҳраманд этмоқда.

Давоми 2-бетда

Шарҳ



МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК АҲОЛИ ТАЛАБИНИ ТЎЛИҚ ҚОНДИРАДИ, СОҒЛОМ РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРАДИ

Бошланғич 1-бетда

АҚШ, Россия, Европа мамлакатларида нефть маҳсулотлари биржа савдолари орқали харид қилинади. Улар ва бошқа ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, республикамиз иқтисодиёти ва аҳолининг энергия ресурсларига бўлган талабини тўлиқ қондириш, нефть-газ корхоналарини молиявий соғломлаштириш, шунингдек, умумий эътибор этилган халқаро стандартлар асосида тармоқда соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитларни яратиш мақсадида мамлакатимиз Президентининг "Нефть-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори кучга кирди.

Мазкур қарорга биноан, республикамизда 2020 йил 1 майдан бошлаб АИ-80 маркали автомобиль бензини ва дизель ёқилғиси, шу жумладан, ЭКО маркали дизель ёқилғисининг чакана нархларини давлат томонидан тартибга солиш бекор қилинади, — дейди "Ўзбекнефтегаз" акциядорлик жамияти юридик департаменти бошлиги Амин Абдурахмонов. — Нефтни қайта ишлаш заводлари томонидан худди шу ёқилғиларни сотиш фақат биржа савдолари орқали амалга оширилади.

"Ўзбекнефтегаз" АЖ ва "Шўртан газ-кимё мажмуаси" масъулияти чекланган жамияти томонидан сотиладиган нефть ва газ конденсати учун янги ички тармок нархлари жаҳон биржаларидаги Brent нефти котировкаларига боғлиқ ҳолда шакллантирилади. Нефть маҳсулотлари ва углеводородларни импорт қилувчи тадбиркорлик субъектларига мазкур ёқилғиларни савдочи базаларининг бундан сифимларида сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиш учун ҳам тарифлар белгиланади.

Қарорда аҳолини ўйлантириб келаётган яна бир масаланинг ечими кўрсатиб берилган. Маълумки, "Ўзбекнефтегаз" АЖ томонидан маҳаллий бозор учун етказиб берилётган табиий газ ҳажмлари республиканинг ички истеъмол талабини тўлиқ қондирмайди. Мавжуд эҳтиёжни қоплаш учун акциядорлик жамияти табиий газни қўшма корхоналардан бозор нархлари бўйича харид қиларди ва уни ички бозорда ўрнатилган, яъни рентабеллик даражасидан паст нархларда сотишга мажбур бўларди.

Эндilikда нархлар шаклланиши механизмининг шафдофлигини фақатгина бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб, таъминлаш тизими йўлга қўйилди. — 2020 йил 1 сентябрга қадар Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки экспертларини жалб қилган ҳолда, — дейди "Ўзбекнефтегаз" акциядорлик жамияти инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш департаменти бошлиги Хусниддин Тўраев, — газ-транспорт тизимини 2030 йилгача ривожлантириш дастурининг бош режаси ҳамда барча иштирокчиларга тенг кириш имкониятини таъминлаш ва нархни шакллантиришнинг шафдоф механизмининг назарда тутилган ҳолда электр энергияси ва табиий газнинг биржа савдолари асосидаги улгурчи бозорини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, Вазиirlар Маҳкамасига киритилди.

Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасида нефть-газ соҳасидаги давлат корхоналарини бошқаришга хорижий экспертларни жалб этиб, улар самарадорлигини ошириш ва харажатларини оптималлаштириш, қарз миқдорини камайтиришга эришиш вазифаси белгилаб берилган эди. Қарорда мазкур вазифани амалга оширишнинг амалий дастакларига доир чоралар ҳам ўз ифодасини топган.

Янги хизмат иловалари

КАРАНТИН ХАЛАЛ БЕРМАЙДИ: СОЛИҚЛАРНИ УЙДАН ТЎЛАШ МУМКИН!

Шерзод ТЕШАБОВЕВ,
Янги технологиялар илмий-ахборот маркази мутахассиси

Коронавирус пандемияси билан боғлиқ ҳозирги оғир вазият, ижтимоий масофаланиш даврида ҳам айрим бурч ва мажбуриятларни ўз вақтида адо этиш ўзимизга фойда, юртга эса кўмак. Уйда — масофадан туриб, автоматлаштирилган тизимлар, электрон хизматлар орқали буни ҳеч бир муаммосиз ундаш мумкин.

Солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажариш учун

Янги технологиялар илмий-ахборот маркази ана шундай қўлай ва тезкор имкониятларга эга бўлган "SOLIQ" мобил иловасини тақдим этди. Унда солиқ тўловчилар учун қўплав электрон солиқ хизматлари жамланган.

Масалан, жисмоний шахслар мобил илова ёрдамида ер ва мол-мулк солиқлари суммаларини аниқлаши ва тўлаши мумкин. Тўловлар банк пластик картончаси орқали амалга оширилади. Тўловларни "Тўлов реестри" бўлими-

дан текшириш имкони мавжуд. Амалга оширилган ҳар бир тўлов бўйича фойдаланувчига хабар берилади.

Мобил иловадан иш хақи тўғрисида маълумотларни олиш, СТИРни аниқлаш ҳам осон. Солиқни тўлаш, тўлов топшириқнома яратиш ва унинг ҳолати билан танишиш имконияти эса яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар учун бирдай фойдали бўлиши шубҳасиз. Мобил илова, шунингдек, шахсий ҳисобварақ маълумотлари — ҳисобланган, тўланган солиқлар, қарздорлик ёки вақтида тўланмаган қарздорлик учун устамалардан хабардор бўлишда қўл келади.

Мобил илованинг қўлайликлари қаторида солиқ ҳисоботлари ҳолатини текшириш, солиқ объектлари, солиқ тўловчи,


ҚҚС тўловчилари тўғрисида маълумот олиш, солиқни ҳисоблаш калькулятори-дан фойдаланиш, солиқ идораси раҳбари қабулига ёзилиш кабилар ҳам бор.

Имкониятлар шу билан кифояланмайди

"SOLIQ" мобил иловасида барча турдаги фойдаланувчилар учун солиқ

ва мажбурий тўловларнинг тўлов муддатлари тўғрисида хабар берувчи "Тақвим" мавжуд. Солиқ соҳасида қандай янгилик ва ўзгаришлар юз бермоқда? Мамлакатимизда имллар учун қандай солиқ имтиёзлари бериляпти? Мазкур муҳим жараёнларнинг тафсилотлари ҳам солиқ тўловчилар эътиборига мунтазам ҳавола этиб борилади.

Мобил илова яқинда яна бир янги имконият билан бойиди. Унга кўра, жисмоний шахслар шахсий кабинетига



электрон рақамли имзо (ЭРИ) ёки жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) орқали кира олади. ЖШШИРни паспортдан аниқлаш мумкин.

Афсуски, ҳамма ҳам инсофли солиқ тўловчи эмас. Баъзан солиқ тўлашдан бўйин товлаш, ҳақиқий даромадини яшириш, савдо-сотик қоидаларига риоя этмаслик, хусусан, нархларнинг сунъий равишда оширилиши каби салбий ҳолатларга дуч келаемиз. Агарда сиз ҳам шу сингари ҳуқуқбузарликлар гувоҳи бўлсангиз, мобил илова орқали бу ҳақда солиқ идораларини хабардор қилинг. Бу билан жамоатчилик назорати кучайиши ва солиқ маданияти юксалишига ҳисса қўшган бўласиз.

"SOLIQ" мобил иловаси орқали онлайн НКМ ёки виртуал касса томонидан тақдим этиладиган чекларни рўйхатдан ўтказиб, ютуқли ўйинда иштирок этиш имкониятини қўлга киритиш мумкин. Гап шундаки, бу йил фискал белгили чеклар асосида ютуқли ўйинлар ташкил этилади. Бунинг учун давлат бюджетидан бир миллиард сўм миқдоридан маблағ ажратилган.

Сиз учун яна бир қўлайлик

Янги технологиялар маркази мутахассислари келгусида "SOLIQ" мобил иловаси ёрдамида рўйхатдан ўтказилган чеклар орқали харид қилинган маҳсулотлар ва хизматлар тўғрисида кунлик, ойлик ва йиллик статистик маълумотларни билиб бориш хизматини йўлга қўйишни режалаштирган. Бу орқали хариддор қачон қандай товар харид қилгани, қанча маҳсулотни кўп истеъмол қилаётгани ва харажатлари динамикасидаан доим хабардор бўлиб туради. Бу эса шахсий жамғарма ёки оилавий бюджетни тўғри бошқариш ва йўналтиришга ёрдам беради.

"SOLIQ" мобил иловаси AppStore ва GooglePlayда жойлаштирилган. Уни юклаб олиш учун Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайтыдаги ҳаволадан (<https://soliq.uz/page/mobil-ilova>) фойдаланиш лозим.

Ўқув машғулотли

Пандемияга қарши курашга ҳарбийлар ҳам сафарбар

Аброр УМАРҚУЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Мамлакатимизда хавфсизлиги, ҳалқимизнинг тинч ва оқойишта ҳаётини асраб-авайлаш ҳарбий хизматчиларнинг асосий вазифаси. Айниқса, бугунги синовли давларда ҳам Ватан ҳимоячилари коронавирус пандемиясини бартараф этиш бўйича бор имкониятларини сафарбар этмоқда.

Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари "тоғли вирус" оммавий тарқалиб кетиши хавфининг олдини олишда шифокорлар ҳамда санитария-эпидемиологик оқойиш-талиқни сақлаш мутахассислари билан елкама-елка хизмат қилмоқда. Хусусан, пойтахтимиздаги йирик савдо марказлари, Олой, Эски Жува, Миробод, Юнусобод каби деҳқон бозорлари, серкатнов кучалар, ерости ўтиш жойлари ҳарбийлар томонидан ҳар кун тўлиқ дезинфекция қилинаётган.

Дунёнинг 200 дан ортиқ давлатига кириб борган коронавирус пандемиясига қарши курашиш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиз ҳисобланади, — дейди майор Азиз Усмонов. — Шу йилнинг 27 мартдан 20 апрелга қадар Курлол Кучлар Бош штаби, Радиацион, кимёвий, биологик муҳофаза қўшинлари ва Мудофаа вазирлиги, Санитария-эпидемиология назорати маркази ҳамкорлигида республикамизнинг барча ҳудудларида махсус тактик ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Мақсад аҳоли кўп тўпланадиган жамоат жойлари, савдо марказлари ва бозорларда кен қўплавли дезинфекция ишларини бажариш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, фуқароларимиз хавфсизлиги, саломатлигини таъминлашдан иборат. Ҳар кун эрта тондан Мудофаа вазирлигининг махсус кийим-бош билан жиҳозланган ҳарбий хизматчилари юздан ортиқ махсус ихтисослаштирилган техника, дезинфекция воситалари билан пойтахтимиз, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда дезинфекция ишларини амалга оширмоқда.

Мутахассислар фикрича, таркибда 50 фоиз актив хлор савдочи дезинфекция воситалари барча турдаги зарарли вирусларни йўқ қилади. Хусусан, коронавирус пандемиясига қарши энг самарали восита ҳисобланади. Шу боис, ҳарбий хизматчилар дезинфекцияда шундай аралашмадан фойдаланмоқда. — Ташкент ҳарбий округига қарашли умумқўшин полигонидан юқумли касалликларга мўлжалланган, дала шароитидаги 1,5 минг ўринли ҳарбий-тиббий госпиталь ташкил қилинди, — дейди майор Азиз Усмонов. — Бу ерда қабул-саралаш, санитар-ўтказиш, беморларга санитар ишлов бериш,

изоляция каби бўлимлар фаолияти йўлга қўйилди. Госпиталда рентген, электрокардиография, ультратовуви текшируви, ўпка тўқималарини текширувдан ўтказиш пункти, умумий қон ва сийдик таҳлили, биокимёвий таҳлил лабораториялари ҳамда кўчма ҳарбий-тиббий мобил марказ мавжуд бўлиб, Мудофаа вазирлиги марказий ҳарбий клиник госпиталининг малакали шифокорлари кўмағида фаолият юротилади.

Дала-ўқув майдонининг бошқа бир қисмида беморлар учун зарур шароитларга эга бўлган чодирлар ўрнатилди. Уларда карантинда сақланаётган фуқаролар овқатланиши, ювиниши, дам олиши ва бошқа қўлайликлардан фойдаланиши мумкин бўлади. Шунингдек, бу ерда она ва болалар учун махсус жойлар ташкил этилди. Шу билан бирга, республикамиз бўйлаб Мудофаа вазирлиги томонидан қўшимча карантин жойлари тайёрлаб қўйилди.

Ҳақимиятисини, коронавирус пандемиясига қарши курашда республика бўйлаб ҳарбий хизматчилардан иборат кўнглили гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Бу гуруҳлар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фахрийлар ҳолидан хабар олиб, уларга ёрдам кўрсатиш билан бирга нуруийларимиз ажайибдан жойларда санитар-гигиеник ҳолатини яхшилаш мақсадида дезинфекция ишларини ҳам амалга оширмоқда. Кексаларини ёзозлайдиган халқимизда хайрли ишни ҳар кун, ҳар дақиқа қилиш керак, деган чиройли ақида бор. Айниқса, коронавирус касаллиги бутун дунё ахлига катта талофатлар келтиряётган бугунги даврда аҳолини, айниқса, кексаларимизни эҳтиётлаш, уларга имкон қадар хизмат қилиш миллатимизга хос бағрикенглик, меҳр-муруват намунасирид.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, коронавирус пандемиясига қарши курашда энг самарадор усул қатъий интизом ва белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилишдир. Барча мутасадди ташкилотлар халқимиз манфаати, саломатлиги йўлида хизматда экан, фуқароларимиз ҳам ушбу касаллиқнинг олдини олишда имкон қадар жорий тартиб-қоидаларга амал қилиши маънада этилади. Шундангина коронавирус эпидемияси устидан тезроқ ғалаба қозонамиз.

Долзарб мавзу

КИБЕРХАВФСИЗЛИК — рақамли иқтисодиётнинг муҳим шарти

Санобар ЖУМАНОВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи

Ўзбекистонда барча тизим рақамлашмоқда. Айниқса, коронавирус туфайли жорий этилган карантин режимида онлайн товар ва хизматларга бўлган талаб янада ортмоқда. Барча соҳаларда рақамли функцияларнинг роли кучаймоқда. Сўнгги икки ҳафтада дунё бўйлаб интернетга бўлган талаб 35 фоиз ошган. Бугун уйдан чиқмай тўловларни амалга ошириш, масофавий таълим олиш, дунёнинг йирик кутубхоналаридан фойдаланиш ва ҳатто ишлаш мумкин. Рақамли хизматлар аънавий иш тартибига қараганда, қозғобозлик, расмийчилик йўқлиги, вақтни тежаш каби қатор афзалликларга эга.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг яна бир муҳим омил киберхавфсизликни таъминлашдир. Айтиш мумкин, карантин шароитида ҳам глобал тармоқда

коронавирусдан сақланиш бўйича кўрсатмалар ёрлиги остида дастурий тизимларни ишдан чиқарувчи вируслар тарқатиш ҳолатлари учраб турибди. Қолаверса,

мамлакатимиздаги ҳақиқий вазиятни сохталаштириб талқин қилаётган, аҳоли орасида ваҳима келтириб чиқаришга, фуқаролар товулигини бузиш ва вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган уйдирмалар тарқатган ижтимоий тармоқлардаги 33 та аккаунт аниқланган. Ҳозир хорижда дори-дармонни онлайн сотиш ва етказиб беришни ваъда қилиб, олдиндан пулларни ҳисобрақамига ўтказишни сўраб, содда одамларни алдаб кетаётган молиявий фирибгарлар сохта онлайн дўконлар, веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлардаги аккаунтлар ва электрон почта манзилларидан фойдаланмоқда. Бу ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш заруратини янада долзарблаштиради.

Ушунга қарамай, киберхавфсизлик нима? Унинг қандай кўринишлари интернетнинг миллий сегментини таъминлашда қандай қоидаларига риоя қилиш керак?

Онлайн дастур



Соҳиба МУЛЛАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Коронавирус пандемияси барча соҳалар сингари таълим тизимида ҳам ўз таъсирини ўтказди: боғча, мактаб ва олий таълим муассасалари оммавий равишда ёпилди. UNESCO маълумотига кўра, бугун дунё бўйича 1,7 миллиард ўқувчи дарслар тўхтатилгани сабаб, оффлайн ўқишдан маҳрум. Юздан ортқ мамлакатда университетларнинг ёпилиши дунё талабаларининг 90 фоизини уйда ўтиришга мажбур қилди.

Рақамли ТАЪЛИМГА ЎТИШНИ ПАНДЕМИЯ жадаллаштирдими?

Пандемия ўчоги ҳисобланган Хитойда вазиятни қўлга олиш учун 17 февралдан онлайн дарслар йўлга қўйилди. Ўқитувчилар, асосан, WeChat дастури орқали ўқувчилар билан мулоқот қилмоқда. Ундан кейин Эрон ҳукумати бир неча ҳудудлардаги боғча, мактаб ва олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини тўхтатди.

3 мартта келиб UNESCO 13 та мамлакатда таълим муассасаларининг вақтинча ёпилиши оқиба бадида 290,5 миллион ўқувчи ва талаба ўқишдан узилиб қолганини маълум қилди ва уларни зудлик билан масофавий таълимга ўтишга чақирди.

Айни пайтда ўлим кўрсаткичи бўйича етакчилик қилаётган Италия эса мамлакатда вирус туфайли вафот этганлар сони 100 нафарга етгандан сўнггина мактаб ва университетларга таътил берди. Бу пайтда уч қитъадаги 22 та давлат аллақачон онлайн таълимга ўтган эди.

Маълумотларга кўра, бугун пандемия сабаб таълим муассасаларини ёлган мамлакатларнинг 60 фоизига тўлиқ рақамли таълимга ўтган. Баъзи халқаро экспертлар онлайн таълимга тўлиқ ўтиб бўлмастлиги, бу жараёнга муаммоли вазиятдан чиқиш йўли сифатида қараш лозимлигини, ақс ҳолда

таълим сифати тушиб кетишини таъкидлашади, баъзилар замонавий таълим учун янги давр бошланганини эътироф этмоқда. Айрим давлатлар заиёлиги сабаб масофавий таълимга қамраб олишда таъминот масаласини илгари сурмоқда. Интернет манбаларида хабар берилишича, бугунги кунда атиги ўнга яқин давлатдаги талабаларнинг 95 фоизда компьютер бор. Индонезияда эса 34 фоиз ёшнинг интернетдан фойдаланишига шариоти етарли. Қолган давлатларда бу кўрсаткич анча паст. Бу эса айрим мутахассислар таҳмин қилаётганидек, таълим сифати тушиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Рақамлаштиришга тайёрмизми?

Хавф-хатарни олдиндан кўра билиш, унинг натижа ҳамда оқибатларини тўғри баҳолаш олиш вазиятдан талофатсиз чиқиб кетишни таъминлайди. Дунёда пандемия тарқалиши ортидан мамлакатимизда иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳалари сингари таълим жараёни узлуксизлигини таъминлаш учун ҳам керакли чоралар кўрилди. Хусусан, шу йилнинг 17 мартда Президентимизнинг “Тошкент шаҳридаги таълим технологияларини кенг жорий этиш чораларини тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, унда “Kundalik” тизимини пойтахтдаги барча умумтаълим мактабларида босқичма-босқич ишга тушириш ҳамда 400 миңдан ортқ ўқувчининг ўзлаштириш бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва ота-оналар учун электрон хизматларни жорий этиш вазифаси белгиланди.

— “Kundalik” тизими ҳозир мамлакатимиз бўйлаб 521 та таълим муассасасида босқичма-босқич ишга туширилди, — дейди “Kundalik” компаниясининг техник кўмак хизмати раҳбари Хилола Иззатова. — Шунингдек, ўқитувчилар учун тизим иловаси ҳам яратилган. Ҳозирги вақтда платформани ўқувчилар ва ота-оналар учун ҳам қўлай шаклда боришмоқда. Тизим ўқитувчиларни ортқча қозғобозлик, кўплаб ҳисоботларни қўлзема тўлдиришдан



жалос қилиб, уларнинг вақтини тежаб, ўқувчиларга кўпроқ эътибор қаратишга ёрдам беради.

Ота-оналар эса платформа ёрдамида фарзандларининг баҳо-ҳоллари, уйга вазифалари ва дарслардаги иштироки билан танишиб, ўқитувчилар, мактаб директори ва бошқа ота-оналар билан турли мавзуларни муҳокама қилиши мумкин.

— Фойдаланувчиларни карантин муддати, масофадан туриб таълим олиш давомийлигини хабардор қилиш ҳамда бошқа зарур маълумотларни киритиш учун “Ёзувлар” бўлимининг фойдаланиш керак, — дейди Хилола Иззатова. — “Уй вазифалари” функцияси ёрдамида ўқувчи жамоа учун ёки индивидуал топшириқлар бериши ҳамда топшириқларнинг бажарилишини

назорат қилиши мумкин.

Бундан ташқари, “Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда дарсликларнинг электрон шаклидан кенг фойдаланиш имконини берувчи янча таълим платформасини жорий этиш, олий таълимда ўқув жараёنларини бошқариш тизими, бакалавр ва магистр дипломлари базаси ҳамда талабалар ўқишини электрон юриштига мўлжалланган “Олий таълим” ахборот тизимини яратиш ҳамда зарурлик ва идоралар ахборот тизимлари билан интеграциялашган мактабга таълим бошқариш ахборот тизимини тақомиллаштириш каби вазифалар ҳам белгиланган.

Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари таъминоти ҳисобга олиниб, пандемия кириб келмасиданоқ, Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари ҳамда УЭМТРК ҳамкорлигида видеодарслар тайёрлаш ишлари бошланганди. Мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътили тугаши билан мамлакатимизнинг барча ҳудудига тўртта телеканал орқали видеодарслар узатила бошлади. Бу аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ҳамда вирус тарқалишининг олдини олиш билан бирга, оилада ота-она ҳамда фарзанд ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

КИБЕРХАВФСИЗЛИК РЕЙТИНГИДА ЮКСАЛИШ



Рақамлашув ва киберхавфсизлик тушунчалари доимо ёнма-ён келади. Чунки барча тизим ва жараёнларни рақамлаштириш билан бирга, уларнинг техник жиҳатдан мукамал ва беҳато ишлашини, хавфсизлигини таъминлаш муҳимдир. Юртимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қанчалик эътибор қаратилаётган бўлса, киберхавфсизликни таъминлаш ҳам шунча долзарблик касб этмоқда. Ўзбекистон киберхавфсизлик глобал индексида ўз позициясини мустаҳкамлаб бормоқда. 2017 йилда мамлакатимиз бу рейтингда 93-ўринни эгаллаган бўлса, 2018 йилда 52-ўринга кўтарилди.

Киберхавфсизлик ахборот хавфсизлигининг бир кўриниши бўлиши билан ахборотни саралаб олишга хизмат қилувчи юксак маънавиятдан ўзгачароқ тушунча. У кўпроқ техник жараёнларга оид бўлиб, оддий фойдаланувчи учун почта, ижтимоий тармоқлар, тўлов тизимларида ишончли ва мустаҳкам паролларни ўрнатиш, ўз шахсий компьютер ва смартфонни вируслардан ҳимоялашни англатади. Кенгроқ маънода эса киберхавфсизлик тармоқлар, мобиль илова ва қурилмаларнинг ҳимоясига қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир. У маълумот конфиденциаллигини сақлаш, уларнинг ҳимоясини, сайт, илова, дастурининг тўлақонли ишлашини таъминлайди.

МИЛЛИЙ СЕГМЕНТДА ТАҲДИДЛАР МАВЖУДМИ?

“Киберхавфсизлик маркази” ДУК таҳлилларига кўра, 2019 йилда интернетнинг миллий сегменти веб-сайтларида 268 та киберхавфсизлик инциденти аниқланган. Бу рақамли оламдаги ҳуқуқбузарликлар сони олдинги йилдагига қараганда 44 фоиз камайган дегандир. Шундан 222 таси контентни руҳсатсиз юклаш, 45 таси дефейс (веб-сайт саҳифасининг бошқа, масалан, реклама жойлаштирилган саҳифага алмаштирилишини англатувчи халқаро ҳужуми) ва биттаси яширин майнинг (криптовалюта платформасидаги яширин фаолият) улушига тўғри келади.

Инцидентларнинг 69 фоизи Ўзбекистондаги хостинг-провайдерларда жойлашган веб-сайтларда аниқланган, қолган 31 фоизи хорижий давлатлардаги хостинг-провайдерлардаги сайтларга тегишли. 80 та ҳолатга нисбатан текширув ишлари олиб борилиб, аниқланган заифликларни бартараф этиш бўйича амалий тавсиялар берилган. Қолган 188 та ҳолат веб-сайт эгалари томонидан мустақил равишда бартараф этилган. Кибермақонда хавфсизлик билан боғлиқ муаммоларнинг юзага келишига қодир хавфсизлик хатолари мавжуд бўлган контентни бошқариш, эскирган версиялар билан ишлаш, кириш паролларининг




осонлиги, хавфсиз бўлмаган манбалардан юклаб олинган шаблонлар, вируслар билан зарарланган компьютерларда веб-сайтларни бошқариш кабилар сабаб бўлади.

Интернетнинг миллий сегментини мониторинг қилиш натижасида киберхавфсизликка 130 миңдан зиёд таҳдид аниқланган. Шундан 106 миң 508 та ҳолат ботнет тармоқлари иштирокчиларига айланган хостларга тегишли. 13 миң 882 та ҳолат спам-электрон почта ёки паролни бузиши сабабли турли хизматлар томонидан қора рўйхатга олинган IP-манзилларни блокировка қилиш билан боғлиқ.

Бу таҳлиллар киберхавфсизлик масаласининг долзарблигини яна бир бор тасдиқлайди. Сабаби, дастурий заифликлар бузғунчи ахборот тизими ёки веб-сайт, шунингдек, файл ва маълумотларга масофадан кириш, фуқароларнинг шахсий маълумотлари чиқиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Киберхавфсизлик чоралари бу каби ҳолатларнинг олдини олади.

МАСОФАВИЙ ИШЛАШ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ!



COVID-19 инфекцияси туфайли дунёда масофадан ишловчи ходимлар сони кескин ўсиши кузатилмоқда. Агар коронавирус тарқалиш хавфи туфайли масофавий ёки онлайн режимда ишлашга тўғри келадиган бўлса, ахборотлар конфиденциаллигини сақлаш учун қатор тавсияларга амал қилиш лозим. Аввало, уйдан ишлайдиган ходимнинг масофадан улашини таъминлайдиган ахборот тизимлари ва манбалари рўйхатини олдиндан аниқлаш, ахборот тизимларига масофадан улашишда АКТ мутахассислари талабларига қатъий риоя қилиш керак.

Муҳим ахборотлар билан ишлаётганда ходим шахсий қурилмаси орқали ишга доир хат, ҳужжат ҳамда бошқа файлларни юклаб олиши ва очили, расмий ёзишмаларда ҳам шахсий почтадан фойдаланиши мақбул эмас. Бироқ ахборот

хавфсизлиги сиёсатида мос келган ҳолларда ижтимоий тармоқлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу каби жараёнларда ишончли антивирус дастурлари доим кўмак беради. Масофавий иш столига улашишда икки факторли аутентификациядан фойдаланиш зарур.

Ходимлар мураккаб пароллардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, шахсий компьютер ва бошқа шахсий қурилмадан фойдаланганда тармоққа улашишда маълум (администратор) эмас, оддий фойдаланувчи мақомидан фойдаланиш, нотаниш манзилдан келган файлларни очмаслик, электрон хабарлардаги ҳаволаларга кирмаслик мақсадга мувофиқ. Ахборот ташувчи USB, CD, DVD кабилардан имкон қадар камроқ фойдаланиш, ахборот узатиш жараёнида файлларни архивлаштириш ҳам унинг ҳимоясини таъминлайди.

ДАВЛАТ ДАСТУРИДА АНИҚ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНГАН

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини буйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига кўра, киберхавфсизликка доир 2020-2023 йилларга мўлжалланган миллий стратегия ва “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Бу меъёрларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши ниҳоятда зарур ва ўз ўрнидаги тадбирдир. Рақамли олам ҳали-ҳамон ҳуқуқий жиҳатдан ўз мақомини аниқ белгилай олгани йўқ. Бу борада кун сайин таҳдидларнинг янги тур ва шакллари пайдо бўлмоқда, уларни қонунчиликда ақс эттириш зарур. Киберхавфсизликка доир миллий стратегияни ишлаб чиқиш миллий кибермақонда жинойатчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тартибга солади. Зеро, виртуал оламдаги жинойатчиликнинг зарар ва хавфи реал оламдагидан кам эмас.

Шунингдек, киберхавфсизликка доир 2020-2023 йилларга мўлжалланган миллий стратегияга кўра, киберхавфсизликнинг янча тизими ва муҳим ҳисобланган инфратузилмани киберҳужумлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқий база шакллантирилади.

“Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонунда эса ахборот-коммуникация технологияларини замонавий кибертаҳдидлардан ҳимоя қилиш, турли даражадаги тизимлар учун киберхавфсизлик бўйича замонавий механизмларни жорий этиш, мақсуд соҳада давлат органлари, корхоналар ва таъшиқотларнинг ҳуқуқ ва



мажбуриятларини белгилаш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш кабилар ақс этиши кутилмоқда. Чиндан ҳам бу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни унификациялашга зарурат сезилаётган эди.

Юртимиздаги барча ислохотлар замирида халқимизга қўлайликлар яратиш мақсади ётибди. Киберхавфсизликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши рақамли имкониятлардан ишончли ва хавфсиз тарзда фойдаланишга замин бўлиб келмоқда.

Онлайн режимда олий таълим фаоллашмоқда



Шу йил 23 мартдан талабалар учун телевизион дарслар эфирга узатиляпти. Бундан ташқари, бир неча олий таълим муассасалари талабалар ва ўқувчилар учун виртуал таълим тизимларини ишга туширмоқда. Масалан, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида мактаб ва академик лицей ўқувчилари, талабалар ва АКТ соҳасида билим олишни хоҳловчилар учун тўртта виртуал таълим тизими фаолият бошлади. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида “Ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш” ахборот тизими ҳамда MOODLE масофавий таълим платформаси ишга туширилди.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида эса Тожиқ

Миллий университети билан ҳамкорлик шартномаси доирасида “Мантиқ” иختисослиги бўйича халқаро миқёсда онлайн илмий кенгаш йиғилиши ўтказилиб, бир неча номзодларнинг докторлик диссертациялари муҳокама қилинди.

Юртимиздаги нуфузли хусусий ўқув марказлари ҳам замон талабидан келиб чиққан ҳолда онлайн таълимни йўлга қўймоқда. Бу жараённинг ўзи ҳам ўзбек таълим тизимида янги босқич бошланганини англатади. Сабаби, шу кунгача ҳали ҳеч бир ўқув маркази бундай тартибга ўта олмаётганди.

“Ҳар яхшининг бир ёмони, ҳар ёмоннинг бир яхшиси бор”, дейди халқимиз. Шу маънода, карантин тартибининг жорий этилгани таълим муассасаларининг масофавий таълимга ўтиш ишларини жадаллаштирди.

Тил — миллий ғуруримиз

Аждод тили, авлод тили — давлат тили!

Ориф ТҶУХТАШЕВ,
“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ

бошқаруви раисининг маънавий-матридий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси

1989 йил 21 октябрь.

Ушбу сана, шубҳасиз, мамлакатимиз ўтмишидаги энг қутлуғ кунлардан бири. Зеро, бу кунда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилиниб, мустақил тузум ҳукмронлиги давридаёқ халқимизнинг ўзига хос жасорати тимсолига айланган эди. Шунини алоҳида эътибор эйтиш лозимки, бу ҳужжат ўз вақтида халқимизнинг истиқлолга бўлган умид-ишончини, миллий ғурур туйғусини кучайтирди, мустақиллигимизнинг ўзига хос пойдевори вазифини бажарди десак, асло муболага бўлмайди.

Мутахассисларнинг билдиришича, жаҳон аҳли бугунги кунда 7000 дан зиёд тилда гаплашади ва уларнинг фақатгина 200 га яқинида давлат тили ёки расмий тил мақоми мавжуд. Утмишда 9000 дан ортиқ тил мутлақ йўқолиб кетгани ҳам асослангандир. Бирор тилнинг яшаб қолишини таъминлаш учун ундан камида 1 миллион киши фаол фойдаланиши керак, дейди соҳа мутахассислари.

Бугунги кунда Ер юзиде 50 миллионга яқин аҳоли ўзбек тилида сўзлашади. Бу рақамлар она тилимизнинг умрбоқийлигини мустаҳкам белгилаб турувчи омиллардан сўзлайди, албатта.

Халқимизда “Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ”, деган ибора бор. Буни мен бежиз келтирмаймман ва у айнан Ўзбекистондаги миллатдошларга қарата айтилган аччиқ сўздай туюлаверади. Нимага дейсизми? Чунки биз дунёларга дарс берган буюк аждодларимизнинг мутлақ меросхўри бўла туриб, яъниким Ўзбекистон аталмиш оבוד дийрада фаровон ҳаёт кечириб, юрт туپроғи соғинчи, тилдошлар ва элдошлар соғинчи нима эканини ҳис қилмаган ҳолда умргузаронлик қилиб келмоқдамиз. Энди тасаввурга ҳам бир эрк бериб кўринг: қанчадан-қанча ўзбеклар айни пайтда бошқа мамлакатларда муҳожирликда, бошқа тузум, бошқача тутумда ҳаёт кечириб келмоқда. Аммо уларнинг айнан ўз тилига бўлган эҳтироми бизни уялтириб қўядиган даражада бутунлай ўзгача. Узоққа бормайлик, ёнгинамиздаги афғонистонлик ўзбекларнинг она тилимизга юксак эътиборини кузатиб, жижолат тортиб кетасан, киши.

Бош қомусимизнинг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир”, деб белгилаб қўйилган. Ҳеч бир тилдан кам бўлмаган ғўзал она тилимиз ўз забонимизга тўлақонли кайтариб берилганига ва эркимиз кўеши бошимизда порлаб турганига ҳам нари-бериси билан 30 йил тўлди. Аммо бу давр ўзини таниб олмақ учун асло қамқиб қилмайди!

Тўғри, бу йўсунда улкан эвришиллар содир бўлгани ва бўлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Хусусан, буюк аждодларимиз руҳи олдида юзимиш анча ёруғланди. Улардан қолган бемисл мерослар ўрганилпти, тадиқ қилинган. Бироқ ўзлик йўлидаги барча эзгу ишларнинг аввали она тилимизга эҳтиромдан ва ўрнатилмажк муносиби муносабатдан бошланмоғи лозим, шундай эмасми?

Шу кеча-кундузда таниқли адиб ва публицист Хайриддин Султоннинг “Ҳақиқат жамоли” номи янги китоби мутлоаасидан. Китоб муаллифининг қирқ йиллик ижодий фаолияти давомида ёзилган мақола, бади ва суҳбатларидан саралаб олинган битиклардан таркиб топган. Дастлаб китобни “бугунги кун руҳидан анча олис бўлса керак”, деган хаёлда қўлимга олдим. Зум ўтмай, фикрим ўзгарди. Қуюнчақлик кайфиятига ҳар бир мақола ва суҳбат бир-бирини давом эйтири борарди гўё.

Уй-ҳаёлимизда эса сиз ўқиб турган мақолани ёзиш фикри турарди. Устоз ижодкорнинг 1989 йил февраль ойида (даврга эътибор беринг!) “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида топ қилинган “Ҳаёт драмати” мақоласини ўқиб туриб, донг қотдим. Хайронимиз сабабини сўрамаслигини учун мақоладан парчадан келтираман:

“... Ҳозир республикамизда ўзбек тилига давлат тили мақоми (статуси) бериш ҳақида ҳар турли фикрлар мунозара қилинмоқда. Назарингда, бунга қаршиллик билдираётганларнинг аксарияти ўз она тилини билмайдиган,

қандайдир сабабларга кўра, бу тилда оғзаки ва ёзма фикрини раёон баён қиломайдиган кишилардир. Чингиз Айтматов бунақа кимсаларни “миллий ниғиллистлар” деб атаган эди. Бундай кишилар ҳозирги кунда каттагина бир қатлами ташкил этади... Бу тоифа кишилар, айниқса, бошқарув идораларида, ўрта ва юқори бўғиндаги мансабдор шахслар орасида кўплаб учрайди. Тарихий илдишларидан ўзлаған, она тилига, миллий ўзига хосликка белсанд муносабат билан умри ўтаётган бу одамлар шафқатга сазовор, қайта тарбияга муҳтождирлар...”

“...Шоир Эркин Воҳидовнинг гувоҳлик беришича, Алишер Навоий юбилейида ёлғиз бир киши ўзбек тилида гапирган, у ҳам бўлса ленинградлик олим ва таржимон Сергей Иванов экан...”

“... Миллий тилга бундай муносабат миллий маданиятга ҳам белсанд муносабатни вужудга келтирди. Умумий локайдлик матбуот тилига, бадиий тилга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатди. Юрак кучи билан эмас, билмак кучи билан ёзилган талай семиз китоблар тилимиз қадрисонига айланди...”

“...Тил масаласи — жиддий масала. Демак, уни чинакам маъруф кишиларга хос ақл-заковат ва янечча тафаккур билан ҳал этиш лозим...”

“...Уйлайманки, республикамизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишига Ўзбекистондаги қалб ан интернационалист бўлган барча кишилар хайрхоҳ бўладилар...”

Ушбу сўзларни ўқирканман, яқиндагина Ўзбекистонда икки тиллиликни ёқлаб чиққан “бир ғурух зийолиларини алаҳиригани” ва бу ҳолат ижтимоий тармоқларда кескин қораланиб, узоқ муҳокамага сабаб бўлгани кўз олдимдан ўтди. Ҳўш, энди айтган-чи, бу мақола қайси даврга тегишли: кечанинг гапими ёки бўлмаса бугунги кунимиз орқиларими?

Энг алам қиладигани ва ҳайрон қолдирадигани — 31 йил олдин айтилган гапнинг бугунги кунимизга ҳам мос тўшиб турганлиғидир.

Агар турли давр эгаларининг фикрларидан мисол келтиришда давом этсак, юрагимиз ачишади. Маърифат фидойийи Абдулла Авлонийнинг “Ҳифзи лисон” мақоласида мана бундай ўтли сўзлар қайд этилган:

“Миллий тилни йўқотмак — миллиятнинг руҳини йўқотмақдир. Ҳайҳон! Биз, туркистонликлар миллий тилни сақламак бир тарафда турсун, кундан-кун унутмак ва йўқотмақдаурмиш... Е-ҳў! Бизга на бўлди? Боболаримиз ўйлидан чиқиб кетди!”

Ўзбек — азалдан болажон халқ. Ҳар биримиз фарзандларимизнинг буюк аждодларимиз сингари оламга машҳур инсонлар бўлиб етишмоғини чин юракдан истаймиз. Уларнинг ёркин келажаги йўлида ҳар қандай мушкулотларга қўксимизни тутамиз. Бироқ бугунги кунда жондан азиз фарзандининг бошқа тилли мактабларда тахсил олишини истаётганлар ҳам кам эмас. Оламшумул мақсадлар йўлидаги бу уринишлар балки муайян маънода ўзини оқлар, аммо ўз она тилини қойиллатиб ўрганмаган, таъбир жоиз бўлса, сўзларимиз сеҳрини ҳис қилмаган, ўзаро айтиб турган гапнинг тенг ярмини эса бошқа тилдаги “опифта сўзлар” эгаллаган ёшларнинг ютуқлари бизнинг миллий раванқимизга улш бўлиб қўшила олармикан?!

Маърифатпарвар аллома ва ўз даврида ўнга киши дунёвий тилларни пухта ўрганган олим Исҳоқхон Ибратнинг ушбу сўзларига эътибор қаратайлик: “Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа

тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиб қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига сабоқат — бу ватаннинг ишдир”.

Хайриятки, диққатимиз марказидан анча олислаб кетган ўз она тилимизга муносабат масаласи бугун яна кун тартибига кўтарилди. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевоСИ-та ташаббускорлиги остида ўзбек тилига бўлган эътиборимиз янада жонланмоқда. 2019 йилнинг 21 октябрь кунини зийолилар иштирокида бўлиб ўтган катта анжуманда давлатимиз раҳбари тилимизнинг мавқеи ҳақида: “Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзгача ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир”, дея таъкидлади. Айнан ушбу таъбирда “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонга имзо чекканини айтганида, барча қатнашчилар бу сўзларни улкан кўтаринкилик билан қарши олди.

Президентимиз қаерда ва қай мавзуда маъруза қилмасин, юрт келажаги бўлиши ёшлар масаласини бот-бот илгари суради ва мана шу йўсиндаги сўзларини келтириб ўтади:

“...Ёш авлод қалбида она тилимизни болаликдан синдириш мақсадида таълимнинг барча босқичларида ўзбек тилини замонавий ва инновацион технологиялар асосида мукамал ўргатишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Токи, болаларимиз ўзбек тилида раёон ўқийдиган, раёон ёздайган ва теран фикрлайдиган инсонлар бўлиб етишсин”.

Ушбу даъватлар ҳар бир ватандошимизни ҳўшёр тортирмоғи ҳамда фарзандлар қамоли йўлидаги улкан ишларга отлангирмоғи лозим.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонга кўра, 21 октябрь юртимизда “Ўзбек тили байрами кунин” деб белгиланди. Она тилимизнинг келгуси тараққиётига оид кўплаб масалалар қаторида давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини, соҳага оид муаммолар тахлил этилиб, бу борада ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасида давлат тилини ривожлантириш бўйича алоҳида тузилма ташкил этилди. Янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш борасидаги ишларни тартибга соладиган Атамалар комиссияси ўз ишини бошламоқда. Яқин келажақда “Давлат тили ҳақида”ги қонун бугунги кун талаблари нуктаи назардан ҳар томонлама чуқур тахлил қилини, янада тақомиллаштирилиши ҳам кўзда тутилган.

Биргина шу эмас, албатта. Бошланган хайрли ишларнинг узвий давоми сифатида жорий йилнинг 20 январь кунин Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Бу каби саъй-ҳаракатларнинг барчасида, аввало, халқ фикри энг асосий мезон сифатида қаралиб, барча муҳим ижтимоий-иктисодий, маънавий-маърифий қарорлар юрдошларимиз билан бамааслаҳат қабул қилинаётгани фуқароларда ижтимоий фаоллик ҳиссини қучайтирмоқда. Кўпгина долзарб масалалар қатори давраларда давлат тили, миллий ғурур, орият, тарих ва қадриятлар ҳақидаги қизгин баҳс-мунозараларга барчамиз шохид бўлиб турибмиз.

Бу каби баҳсларда ҳар хил фикрлар ҳам қулқоқ қалинади, албатта. “Бизнинг дунёга чиқшимиз учун илгөр тилларнинг кўмаги зарур. Шу мақсадда... ва ҳокзо, ва ҳокзо”.

Ию! Биз ҳам сиз ўйлагандай мақсадларни катта оланмиз ва насиб этса, уларга албатта, эришамиз! Аммо бу борадаги биргина шарт ҳаёлимиздан кўтарилиб қолмаса бўлгани: бошқа тилларга меҳру илхосимизни бандлантишда давом этаверайлик, лекин бу ишимиз ўз она тилимизнинг қамситилиши эвазига бўлмасин, бирордан!

Барча билиши лозим бўлган жиҳат шуки, она тили шунчаки сўзлашув воситаси эмас, балки Ватанга муҳаббат, миллий ифтихор, аждодларга ҳурмат ва шунинг баробарида авлодларимизга иззат рами ҳамдир. Ўз тилини асраб-авайлаган халқ ўзлигини ҳам асраб-авайлаган бўлади.

Мақтабгача таълим



6 ЁШЛИ БОЛА ТАЪЛИМ ОЛИШГА ТАЙЁРМИ?

Рисолат МАДИЕВА

Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Биз 2020 йил номида белгиланган соҳаларни устувор даражада ривожлантириш ва ислоҳ этиш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширишимиз лозим. Хусусан, боғча ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини жорий йилда 60 фоизга етказишимиз зарур... Бу йилдан бошлаб, тарихимизда илк бора 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилинади”, дея соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратди.

Президентимизнинг 2019 йил 8 майдаги тегишли қарори билан тизимни янада тақомиллаштириш, болаларнинг сифатли мактабгача таълимдан тенг фойдаланишини таъминлаш, мактабгача таълим хизматларининг нодавлат секторини ривожлантириш мақсадида Мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Концепцияда соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани янада тақомиллаштириш, болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш, мактабгача таълим тизимига инновацияларни, илгөр педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш каби қатор вазифарлар кўзда тутилган. Бу эса фарзандларимизнинг кичик ёшдан бошлаб илмга чанқоқ, зукко ва ақли бўлиб шаклланишига қулмаклашиш, ўқиш ва ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш, иқтидор ва қобилиятини юзага чиқариш, уларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тайёрлаш каби эзгу мақсадга хизмат қилади.

Жорий йилнинг март ойида Вазирлар Маҳкамасининг “Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ҳужжатга мувофиқ, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида болаларни бошланғич таълимга мажбурий тизим 1 йиллик тайёрлаш бепул жорий этилмоқда.

Аҳамиятли томони шундаки, республикамизда фаолият юритаётган давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотини учун давлат мактабгача таълим стандартларининг мажбурийлиги белгилаб қўйилганлиги болаларнинг сифатли мактабгача таълим ва тарбия олишларининг қадолатини таъминлайди.

Ҳўш, 6 ёшгача бўлган болаларни мактабга тайёрлаш тизими қандай самара беради? ЮНЕСКО маълумотларига кўра, жаҳондаги 204 та давлатнинг 134 тасида (64,6 фоиз) болалар мактабга тахсилни 6 ёшдан бошлайди, 42 та мамлакатда (20,6 фоиз) мактабга 7 ёшдан боради. Масалан, Германия, Италия, Франция, Бельгия, Хитой, Жанубий Корея, Сингапур, Япония, Канада каби

мамлакатларда болалар мактабга 6 ёшдан қатнайди. Бу эса шу ёшда боланинг билим олиш қобилияти юқорилигидан далолат беради.

— Олиmlар фикрича, 6 ёшдаги болаларнинг ўқишга чанқоқлиги, қизиқувчанлиги ва ривожланган тасаввурини, қогнитив (англаш) ва психик ривожланганлик жиҳатлари шу ёшдан ўқиштини бошлашнинг афзаллик томонлари ҳисобланади, чунки бу ёшда боланинг мотивацион-эктив ҳусусиятлари фаол ривожланиш босқичида бўлади, — дейди Мактабгача таълим вазири Рамил Олимов. — Бу ёшдаги болаларда ҳамма нарса қизиқиб ўйготилади ва уларда ҳамма нарсдан бирор нима ўрганиш имконияти бўлади. 6 ёшдаги болаларда диққат-эътиборнинг барқарорлиги, оғзаки илтимос, буйруқни қабул қилиб тушуниш, ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш олиш ҳусусиятлари шаклланади. 6 ёшга келиб, боланинг сўз бойлиги тахминан 4 минг сўздан иборат бўлади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириши бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида 6 ёшли болаларнинг камида 75 фоизини мактабгача таълимнинг муқобил турлари ва мактабгача таълим муассасалари негизидеги бепул мактабга мажбурий тайёрлов гуруҳлари билан қамраб олиш назарда тутилган. Мажбурий бепул мактабга тайёрлов гуруҳлари учун “Илм йўли” дастури ишлаб чиқилмоқда. Турли ўйин ва машғулотларни ўзда жамлаган бу дастур ҳам фарзандларимизнинг дунёқараш кенг, тафаккури юксак ва эҳтли бўлиб ўлғайишини кўзда тутади.

Айни кунларда карантин туфайли кичик ёшдаги болалар ҳам уйда қолиб, китоб ўқиш, ўз устида ишлаш, расм чиизиш, мусиқа билан шуғулланиши учун имконият туғилди.

Мактабгача таълим вазирилик МТРК билан ҳамкорликда таълимни узлуксиз таъминлаш мақсадида 6 ёшли болаларни мактабга мажбурий тайёрлаш онлайн ва телевизион контентини ишлаб чиқди. Мазкур контент боғча лойиҳаси доирасида бўлиб, ҳафтасига 5 кун 15-20 дақиқадан қилиб саҳналаштирилган методологик машғулотлардан иборат. Айни кунларда “Ақлўй” номи билан болажонлар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

“Жаҳон адабиёти” журналы танлови

ПАНДЕМИЯНИ ИЛМ ВА ИНТИЗОМ БИЛАН ЕНГАМИЗ

Коронавирус хуружи боис, инсоният Иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг оғир қулфатга дучор бўлиб турибди. Қўрилган ва қўрилаётган қатъий чораларга қарамай, дунёнинг етакчи мамлакатларида касалликка чалинаётганларнинг сони ошиб бормоқда.

Олимлар, мутахассислар, айниқса, шифокорлар одамлар ҳаётини сақлаб қолиш учун кўринмас ёв билан тенгсиз жангга киришган. Бу курашда ғолиб чиқишимиз ҳар биримизнинг юзага келган бугунги мураккаб вазиятни тўғри ҳис этиб, давлатимиз раҳбарининг мурожаатларида айtilган талабларга сўзсиз риоя қилишимиз, белгиланган вақтинчалик қоидаларни бузмаслигимиз, ўзимизни, оила аъзоларимизни, нуруний отахон-онахонларни, азиз фарзандларимизни вирус хуружидан сақлаб қолишимиз зарур. Бунинг учун, шубҳасиз, уйда қолишимиз, мақсадсиз кўчага чиқмаслигимиз, айни чоғда, уйда ўтадиган вақтимизни беҳуда ўтказмаслигимиз керак.

Уйда қолиш эртдан кечгача ёстиққа ёнбошлаб ётиш, дегани эмас. Оила аъзолари билан мулоқот қилиш, фарзандлар тарбияси билан шуғулланиш, набираларга эртак китоблар ўқиб бериш, жаҳон ва ўзбек адабиётининг сара асарларини мутлола қилиш, ижодкорлик билан шуғулланиш,

янги асарлар яратиш, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни кузатиб бориш ҳам ижтимоий фаолликка кирлади.

Шу муносабат билан “Жаҳон адабиёти” журналы тахририяти уйда қолаётган китобхонлар — олий ва ўрта махсус ўқув юрталари талабалари, ёш педагог ва мураббийлар ўртасида “Пандемияни илм ва интизом билан енгамиз” шиори остида махсус танлов эълон қилади.

Танловда қатнашмоқчи бўлганлар қуйидаги еттига саволга аниқ мисоллар билан фикрмулоҳазали жавоб ёзиб, журнал тахририятига юбориши зарур:

1. Журналимизда 2018-2019 йиллари эълон қилинган қайси асарларни ўқидингиз ва улардан қандай таассурот олдингиз?
2. Журнал билан ижодий ҳамкорлик қилиш истатингиз борми?
3. Журналга 2020 йил учун обун бўлганмисиз? Обуна қаерда расмийлаштирилган?
4. Шахсий кутубхонангизда қандай асарлар бор? Улардан дўстларингиз ҳам фойдаланадими?

5. Шу кунларда қайси китобни мутлола қилдингиз ёки ўқимокдасиз?
6. Китоб ўқиш учун қайси кутубхонага аъзо бўлгансиз?
7. “Жаҳон адабиёти” журналда машҳур адибларнинг қайси асарлари таржимасини ўқини хохлайсиз? Жавоблар 2020 йилнинг 1 июнигача қабул қилинади.

Энг яхши жавоб муаллифлари моддий рағбатлантирилади:

1 та биринчи ўрин — 1 000 000 сўм.

2 та иккинчи ўрин — 500 000 сўмдан.

3 та учинчи ўрин — 300 000 сўмдан.

5 та рағбатлантирувчи мукофот — “Жаҳон адабиёти” журналга иллик обуна.

Жавоблар журналнинг қуйидаги электрон манзилида қабул қилинади:
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

“Жаҳон адабиёти” журналы тахририяти.

Фахрийлар — фахримиз



Абдуваҳоб АБДУБАННОПОВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг аъзоси

“Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” (World Happiness Report) рейтингининг 2017 йилги рўйхатда биз 47-ўринда эдик. Ҳозирги кунда эса 38-ўриндамыз. МДХ мамлакатлари орасида эса бахтли кексалик бўйича биринчи ўриндамыз!



мустаҳкамлаш, жойларда жиноятчиликни камайтириш, ёшлар ўртасида маънавий-ахлоқий тарбия бўйича таъсирчан чора-тадбирлар ўтказишда сусткашликка йўл қўйилди.

Президент қабулхоналари, ижро ҳокимияти ва ҳуқуқ-тартибот идораларига иқтисодий, маънавий, маданий-маърифий, тиббий масалаларда пенсионерлардан ариза ва шикоятлар оқими тўхтаётгани йўқ. Бу оқимнинг муайян қисмини “Нуроний” жамғармаси ўзига олиши мумкин эди. Лекин жамғарма бошқарувида мурожаатлар билан ишлаш лозим даражада бўлмади.

Шу маънода “Нуроний” жамғармасининг янги тузилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги таркибига киритилиши айна мурда бўлди. Пенсиялар — ижтимоий ҳаётда аҳолининг катта қатлами сифатида улкан куч. Бу кучни уйғотиш ва хайрли ишларга янада кенгроқ жалб этиш керак.

Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси бугунги ҳаётимизга, юртимиз ва жаҳондаги воқеликларга ҳаққоний баҳо берилгани, мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг энг мақбул йўллари аниқ ва бадавлат кўрсатилгани билан одамлар онгу шуурини эгаллади. Унда дунёнинг глобал масалалари чуқур таҳлил этилган, давлат ва жамиятимиз тараққиёти режалари ёрқин чиқиб берилган. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари мустақиллигимиз тарихида биринчи бор камбағаллик муаммоси мавжудлиги, унинг даражасини камайтириш чоралари тўғрисида фикр юритди. Аҳолининг камҳарж қисми, ногиронларга давлат ёрдами кўрсатиш, ҳатто дафн маросимлари тўғрисида ҳам очик-ўшаниқ гапирди. Демак, халқ ҳаёти, тирчилик ташвишлари Президент назаридан четда қолаётгани йўқ. Бу омил ватандошларимиз қалбига катта хотиржамлик ва ҳаётбахш руҳ бағишлайди.

Сўзни бахт мавзусидан бошладик. Бу мавзунинг қўламини кенг томирлари ниҳоятда чуқур. Аммо ҳулоса битта: ҳар биримиз атроф юрдагаилар ҳавас қиладиган мамлакатимиз қадрини ҳамиша юксалтириб, шунга муносиб умр кечиришимиз зарур.

Бахтли кексалар юрти

Халқаро “Orb Media” ташкилоти ўтказган тадқиқотлар натижасига кўра, Ўзбекистон ва Венгрия кексаларни ҳурматлашда жаҳон рейтингда пешқадам мамлакатлар деб тан олинган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида катта ёшли авлодни қўллаб-қувватлаш вазифаси алоҳида таъкидлангани бизни қувонтирди. Давлатимиз раҳбари томонидан бобо ва момолар турмушини энгиллаштирувчи, ҳаётини сермазмун қилишга хизмат этувчи фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жойларда нуронийлар маскани барпо этилиб, кутубхона ва спорт заллари билан таъминланмоқда. Кексаларнинг оромгоҳларида даволаниб ҳордиқ чиқариши учун бепул йўлланмалар

миқдори бир неча марта оширилди. Энг муносиб отахон ва онахонларга “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонлари берилмоқда. Савол туғилади, кексалар бу ғамхўрликларга қандай жавоб бериши керак? Ҳамонки танамизда куч-ғайрат бор экан, кўрсатилаётган ғамхўрликларга, билдирилаётган ишончга яраша жавоб қайтариш ҳам керак, назаримда.

Ҳар биримизда шундай бойлик борки, уни ҳеч ким тортиб ололмайди. Бу бойлик биздаги тажриба, ҳаёт сабоқларидир. Ана шу бойликни ишга солиб, фарзандлар ва набираларни тўғри йўлга бошласак, ўтмишнинг баланд-паст йилларидан ҳикоя қилиб, бугунги кунлар қадрини мисоллар асосида тушунтириб берамиз, уйлайманки, бундан барчага фойда. Пенсияга чиққунга қадар сувчи, муаллим, муҳандис, олим

— қайси касбда ишлаган бўлмасин, кексаларимизнинг ҳар бирида бугунги ёшларга айтадиган гапи, даъваткор сўзи бор.

Давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятига сафари чоғида хонадонлар томоқчаларининг ташландиқ ётганини кўриб, ҳақи равишда ранжиган, бу нохуш аҳволга маҳалла пешволари ва нуронийларнинг эътиборини қаратган эди. Гарчи, мутасаддилар шундан кейин уйқудан уйғониб, қишлоқ жойлардаги фуқароларга қарашли томоқчалардан унумли фойдаланиш аҳолини ўрганган бўлса-да, пировард натижага эришиш учун ҳудудлардаги миришкорларнинг тажрибасини оммалаштириш, маҳаллий бошқарув ва тармоқ тизимлари билан биргаликда ишлашга эътибор берилмади. Бошқа масалаларда ҳам, жумладан, оилаларни

Уйда қолинг!

Бўш вақтга мазмун нақд имкониятни қўлдан бой берманг!

Кавсар ТУРДИЕВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, болалар шоираси

Бугун нафақат мамлакатимиз, балки дунё халқлари синовли кунларни бошдан кечирмоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда инсонлардан уйда қолишлари сўралётгани аслида барчамиз учун оила аталмиш муқаддас тушунчанинг моҳиятини чуқурроқ англаш, фарзандлар билан кўпроқ мулоқотга киришиш, уларга аждодлардан қолган миллий анъана, қадриятларни ўргатишга берилган имкониятдир.

Кун кеча бир телекўрсатувда ёшгина тадбиркор аёлнинг “Бизга осмон фалақдан ёғилаётган имкониятларни кафтимишни дуога очиб қабул қилишимиз, имконият вақти ўтиб кетиши, ундан куруқ қолишимизни кутиб ўтирмаслик зарур”, деган сўзлари ёдимда қолди. Дарҳақиқат, бугунги ахборот технологиялари асрида доим нималар биландир банд бўладиган замонавий инсонларнинг оилада жам бўлиб, ҳафтада бирга бўлиши, бир вақтлардаги каби ўзаро гурунлар, қизиқариш суҳбатлар қуриб, дастурхон атрофида тўпланиши катта имконият бўлиб қолди.

Тан олишимиз керак, сўнги вақтларда ақсарият ота-оналар хизматчиллиги тўғрисида ўз фарзандларига етарлича вақт ажрата олмас, болалар эса бундан ўқинади. Бир пайтлар ёзган “Ойим кетса сафарга” номли шеъримда ҳам болакайнинг онасининг иш юзасидан тўсатдан меҳнат сафарига боришидан норозилиги ифодаланган. “Энди ҳар кеч ким устимизни ёлади, топиламан кийимларни сеҳргардек топади, сингилчамнинг оёғи оғриганда, фақат онамининг қўли тегсагина, оғриқ қолар эди-ку”, — дейди у. Шеър сўнгида бола ўз истагини қатъий баён этади:

“Шундай экан, қандай кетар ойижоним сафарга, Энг яхшиси, хат ёзайлик корхонага, раҳбарга. Хат мазмунини эса битта ва ягона тилақдир: Ойижоним сиздан кўра бизга кўпроқ керакдир”. Бугун шеър қаҳрамони каби қўллаб-қувватланган орзуси ушалди, десак муболага бўлмайди. Оиланинг барча

аъзолари уйда, ота-оналарда фарзандлари билан мулоқот қилиш, уларга кўпроқ эътибор қаратиш, ҳатто биргаликда китоб ўқиш, шеър ёллаш, қизиқариш уйинлар ўйнаш учун вақт етарлича. Фақат бу имкониятдан тўғри фойдалансанг бўлгани.

Ўзбек тили ва адабиёти университетиде фаолият юритиб, ҳозирги кунда талабаларига масофавий дарс ўтаётган жияним Хулқар Турдиева ўзининг ҳали уч ёшга тўлган қизалоғи билан икки ҳафта мобайнида уйда ўтказган машғулотлари натижасида фарзандининг интеллектуал ривожланишидаги муваффақиятларини сўзлаб берганида, ҳайрон қолдим. Улар оилавий “Зумрад ва Қиммат”, “Шолғом”, “Бўғирсоқ” эртақларини сўзлаштирибди. 3 ёшли қизча ҳар бир қаҳрамон расмини турлича бўяб, ижобий қаҳрамонларни ёрқин рангларда акс эттирибди. Фарзанди билан мунтазам суҳбатлар давомида келишик ва эгаллик қўшимчаларини сўзлашадиган қизи эндиликда уларни тўғри қўллаб гапира бошлабди. Қизча ҳатто она-сига ҳовлидаги паррандаларни боқиш, маҳсулотларга безак бериб, ноодати таомлар тайёрлашга қўмақлашган. Доимий машғулотлар сабаб, боладаги фаолият ортиб, ақлий қобилияти яхшироқ ривожлана бошлади. Шу онда Президентимизнинг аёлларга фарзанди 3 ёшга етунига қадар оналик таътили беришида катта маъно борлигини чуқур англадим. Боиси, боланинг иқтидор ва салоҳияти аста-секин очиладиган бу даврда унинг ёнида энг жонқуяр инсон — онанинг бўлиши ниҳоятда муҳим.

Тошкент шаҳридаги 39-мактабнинг 1-синф ўқитувчиси Фотима Маликова ҳам карантин сабаб, ўтилаётган онлайн дарслар жараёнида қизик ҳолатга дуч келганини айтиди. У дарс давомида пасив ва билими анча саёз ўқувчилар онлайн дарсларда фаоллашгани, уларда ўқиб-ўрганиш, топшириқларни бажаришга бўлган қизиқиш ортганини таъкидлади. Қизиги, бу ҳолатга ота-оналар фарзандларининг машғулот бажариш жараёнига эътибор бериб, назорат қилгани, зарур йўлланма ва тавсиялар бергани сабаб бўлган. Чунки бола ота-онасининг ёнида дарсларда қатнашиш ва уй вазифаларини бажаришда масъулиятни кўпроқ хис қилади.

Шундай экан, ота-оналар карантин даврида болаларни турли машғулотларга жалб қилиш орқали уларнинг билимларини янада бойитиши мумкин. Хўш, улар бу вақтда фарзанди учун яна нималар қила олади? Жуда кўп нарса. Кичиктойларнинг вақтини самарали ва мазмунли ўтказиш учун пластилидан шакллар ясаш, расм чизиш, халқ озаки ижодидан эртақлар, тез айтиш, топшиқларни ўқиш ва ёллаш, диққат ва хотирани мустаҳкамловчи



қизиқариш уйинлар ўйнаш, инглиз, рус ва бошқа тилларни ўрганиш, она тилимизда саводли ёзишни машқ қилиш, болалар энциклопедиясини варақлаб, ундан тест ёки қизиқариш саволлар тузиш, баъзан ролларни алмаштириб ота-оналар билан мактаб-мактаб ўйинини ўйнаш, кўғирчоқларга кийимлар текиш, ўқилган китоб ёки асарни муҳокама этиш, биргаликда сара фильмларни томоша қилиш, янги ихтиролар, ижод намуналари (кичик ва унчалик аҳамиятсиз бўлса ҳам) яратиш, қўшиқ айтиш, шеър ёллаш, шахмат-шашка ўйнаш ҳамда ўғил-қизлар учун турли танловлар, мусобақалар ташкил этиш мумкин.

Китоб мутолаа қилишнинг бола ақлий қобилияти ривожланишига ижобий таъсири ҳақида, назаримда, ортиқча гапиришнинг ҳождати йўқ. Барча китоблар ҳам болага нимадир бера олади. Муҳими, асар танлашда унинг ёши ва қизиқишларини инобатга олиш керак. Фаол машғулотларга келсак, тўғри танланган ўйинлар кичиктойларда ўзаро ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва дўстлик ҳиссини тарбиялайди. Чаққонлик, топқирлик, зукколик, сезгирликни ошириб, ўз максуди сари олган интилиш туйғуларини шакллантиради. Шунингдек, ўйин жараёнида шахсининг эмоционал ҳиссиётлар олами шаклланади. Бу эса ёш авлод тарбиясида, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Азиз ота-оналар! Бугун сизда халқимизнинг энг яхши, энг беғубор қатлами, келажакимиз эгалари — болалар, ўз жигарбандларингиз билан кўпроқ вақтни бирга ўтказиш, уларга гўзал тарбия, инсоний фазилатларни пайванд қилиш, билимли, барқамол авлод қилиб вояга етказиш учун яхши имконият бор. Бу имкониятдан унумли фойдаланиш, зеро, эътибор, меҳр билан парвариш қилинган ниҳол, вақти келиб, албатта, кўларга буй чўзади!

Мутолаа

Уйда қолганда... (шу куннинг ҳикояси)

Хуршид ДЎСТМУХАММАД

Ҳамма бало куя капалакдан бошланди. Оила аъзолари дастурхон теварағида жамулжам бўлиб ўтиришганди, нима бўлди-ю, оила бошлиғи — Қуролбойнинг қаншага кўнгудай бўлиб, куя капалак айланишга тушди. Аввалига бунга ҳеч ким эътибор бермади. Куя капалак Қуролбойнинг нақ бурнига кўнмоқчидек яқинлашди. Ўзи жимитдек, афт-башариси ҳам йўқдек. Пириллаб қанот қоқишидан сас-садо ҳам эшитилмайди. Лекин асабга тегади, асабга!

— Шу етмай турганди, қаердан пайдо бўлди? — деди норозиланиб Қуролбой.

— Билмасам, — деди аёли Зарбуви, эътиборсиз.

Куя капалак кўздан йўқолмай, парвозда давом этди. Давом этганда ҳам худди қасдлашгандай, Қуролбойни мўлжалга олиб тирғалаверди. Қуролбой бошини силтаб олиб қочди, қафтини елпигич қилиб тебратди, қани куя капалак таъкибидан қутулса?!

— Сиззи яхши кўриб қолди, дада, — деди кенжатои Жўшқин, қиқирлаб. — Кеча бештасини тутиб йўқ қилдим!

— Бунисини тутмабсан-да, — деди астойдил норозиланиб Қуролбой.

— Жони йўқдай, қамайди. Тутиш ҳам осон.

Ўғилчасининг рағбатидан куч олган Қуролбой ўтирган жойида куя капалакка човут солди. Капалак чап берди. Тумшугига яқин келишини мўлжаллаб туриб, икки қўллаб қарсақ урди. Кафтларини очиб қаради — йўқ! Капалак худди уни масхара қилаётгандек, бир айлана ясаб келиб, тагин Қуролбойнинг мангалайига кўнмоқчидек липиллаб келди. Қуролбой биринчи ҳаракати зоё кетгани ўзига наъша қилди шекилли, бу сафар икки ўғлининг, қизининг кўз ўнгида ўзининг чапдастлигини намойиш қилиб кўймоққа шайлангандек, ирғиб ўрнидан кўзгалди. Куя капалакнинг телбавор парвози сокинлашини кутиб турди-да, қулочларини кенг ёзганича, чунанам шарақлатиб қарсақ урди.

— Мана сенга! — деб юборди ҳам, шиддатининг зўридан.

Бироқ кафтларини очиб не кўз билан қарасаки...

— Тутолмадий, дада, тутолмадий! — дея хурсандлигидан шодон қарсақ чапиб юборди Жўшқинбой. — Ана, қаранг, учиб юрибди!

Қуролбой ростмана туттади.

— Овозингни ўчир! Кўр эмасман!..

Жўшқинбойнинг лаблари чўччайиб, йиғламсираб, онасига мўлтиради.

Жанжалнинг каттаси айна шу жойда кўз очди. Боядан бери индамай, ҳаёлчан-хомуш ўтирган Зарбуви кенжатои-эркатойининг ҳимоя истаб қилган илтижоси таъсиридеми ё ҳаёлида нимадир пишиб етилаётганими, ҳар қалай, беҳосдан эрининг шаънига оғирроқ гап айтиб қўйди.

— Куя капалакнинг эллаб тутолмагач...

Қуролбой икки дафъа бесамар човут солиш аламини қимдан ё нимадан олишини билмай турганди, “чора” топилиб-қўйди.

— Нима демоқчисан? Очирқоқ айт, элполмаётган бўлсам! Манавини ёнини олиб, эркалатвординг. Ота бўлиб, бир оғиз танбех беролмайманми?!

Зарбуви тўлиб турган экан, гап оҳангини ўзгартиролмади.

— Э, қўйинг, дадаси, мен буни айтаётганим йўқ...

— Нимани айтмоқчисан, капалакни тутолмаганим учун устимдан қулясанми?!

Зарбувининг анчадан буён ичига қалашиб ётган алами ташқарига чиқадиган мавриди келганди. Тилини тиймади.

— Олти ойдан ошди, ишламай уйда ўтирибсиз...

— Олти ойдан ошган бўлса, уйда ўтирганнинг йўқ, юрибман, борман жойим қолмади, иш излапман. Манави отинг учғур балои офат тўғрисида уйга қамалиб қолганим ортиқчалик қилаптими? Ортиқча бўлиб қолдимми?!

— Мен ундай демоқчи эмасман, — пича мулоим тортиб Зарбуви.

— Дуппа-дурст жойда биноийдай ишлаб тургандингиз, элбуртдан бўшаманг, дедим. Қулоқ солмадингиз.

— Қулоқ солмайман ҳам! Хушимга тўғри келмадим, елкаминг чуқури кўрсин ундай ишхонани!

— Энди нима қиламиз?... Ҳали ёшсиз, айна кучга тўлган пайтингиз...

— Нима қилай? Айтдим-ку, илтимос қилмаган таниш-билишим қолмади. Қишлоққача бордим, бир жойга илтинсам, рози эдим, ўша ёқларда юраверардим, насибамни териб. Ўзим сиқилиб турганда, сенинг гишгинг ортиқча-да, хотин!

Зарбуви бу сафар тилини тийди. Қуролбой эса ичида йиғилиб ётган қурумларидан батамом халос бўлмаганди.

— Узи, ўн кунда адои тамом бўлаёдим! Ўзимни қаёққа қўйишни билолмай, қаранг одамга ўхшайман! Уйга қираман-кўчага чиқаман, кўчага чиқаман-уйга қираман! Бошқа иш йўқ.

— Иккиқиз-э, дадаси, нега иш йўқ бўларкан.

Итсангиз, топасиз. Ана, ҳовлига қаранг. Айна баҳор. Ер юмшатиш, гул экинг. Кўчага қаранг, деразамиз остини тартибга келтиринг. Ертулага қадам босиб бўмай кетган — бир теккадан йиғиштиринг. Қазноқни-ку, айтмай қўяқолай. Мана, сизга иш!

Хотинининг авайлабгина айтган шу гаплари ҳам Қуролбойга қачи ургандай бўлди.

— Сен... С-сен, нима, меҳнат биржасимисан? Менга иш топпаган сен қолувдинг! Карантин тугасин, чиқаман-кетаман. Ваъда қилганлар бор, бирортаси билан тили топишарман!..

Бу ёғига Зарбуви оғирлик қилди. У болаларининг дадасини яхши қуради, эри яхши одам — кўнгулчан, содда, беғубор. Қувлиқ-шумлиқдан йироқ. Шундайку-я, оила бошлиғи элчирроқ, уддабуронроқ, топқирроқ бўлгани ҳам маъқул-да... — Уйда, хонадонда ўзига иш-оумуш тополмаган одам кўчада иш топаримми?!

Зарбуви бу гапини тилига кўчирмади...